Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 6-mart, payshanba № 30 (3379)

Миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳамма вақт қалбимизнинг тўридан жой олиб, ҳар биримизнинг ҳаётимизда, онгимизда чарх уриб туриши даркор.

Ислом КАРИМОВ

Кўчат экиб, боғ яратайлик

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республикамиз аҳолисига МУРОЖААТИ

Азиз юртдошлар!

Мустақиллик йилларида Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, инсон омилига бўлган эътибор туфайли кун сайин чирой очиб бораётган юртимиз нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки хорижликларнинг ҳам ҳавасини уйғотмоқда. Боғ-роғларга бой, яшилликка бурканган, тобора кўркамлашиб бораётган Ватанимиз пойтахти — Тошкент дунёдаги энг йирик мегаполислар билан тенглаша олади.

Мана, юртимизга фасли навбаҳор ҳам кириб келди. Баҳорда табиат уйғониши билан бирга, она заминимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин паллага киради. Энг гўзал байрамларимиз билан бирга диёримизда ризқу насибамизни зиёда этувчи тадбирлар авж олади.

Кўчат экиш, боғ яратиш халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир. Зеро, ўзимиз яшаётган заминни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш туфайли кўнглимиз обод, турмушимиз файзли ва фаровон бўлади. Қолаверса, боғлар, кўчалар ва йўл ёқаларида яшнаб турган дарахтлар теварак-атрофга кўрк бахш этиб, ҳаво мусаффолигини таъминлаш билан бирга, ширин-шарбат мевалар билан дастурхонларимизни тўлдиради. Энг муҳими, юртимизни обод этиш ва кўкаламзорлаштириш ишларига бош қўшган инсон ўз меҳнати маҳсулини кўргани сайин маънан юксалиб бораверади.

Жонажон Ўзбекистонимиз заминида меҳнат қилиб, халқимиз фаровонлигига баракали ҳисса қўшиб келаётган миришкор боғбонларимиз, боғ яратишда фаол иштирок этаётган юртдошларимиз ҳимматини ҳар қанча олқишласак арзийди. Айниқса, кенгайиб бораётган боғу роғларимизда юртдошларимизнинг тадбиркорона меҳнати туфайли қишин-ёзин дармондориларга бой мевалар халқимиз дастурхонини йил сайин тўкинлаштираётгани қувонарли ҳолдир.

Давлатимиз раҳбарининг «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида яшариш ва янгиланиш айёмида маҳаллаю гузарларимиз, шаҳару қишлоқларимизда кенг кўламли ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш муҳим вазифа этиб белгиланган. Зеро, ушбу Қарорни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшмоғимиз зарур. Хайрли ишлар атроф-муҳит муҳофазаси, юртимиз файзу баракасини ошириш, янада чирой очишини таъминлашга хизмат қилади.

Бугун мамлакатимиздаги корхона, ташкилот ва муассасаларда миллионлаб инсонлар хизмат қилмоқда. Уларнинг бири олим бўлса, яна бири ёш авлод тарбиячиси, бири пўлат қуювчи бўлса, бошқаси шифокор. Уларнинг ҳар бири ўз фидокорона меҳнати билан бугун она юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Келинг, азизлар, кўчат экиб, боғ яратишдек савобли ишларда ҳам барчамиз жипслашиб, ўз уйимиз, маҳалламиз, корхона ташкилотларимиз атрофида янги боғлар барпо этайлик.

Қадрли дўстлар!

Барпо этилаётган ҳар бир иморат пойдеворини яратишдан аввал, албатта, ҳовли атрофи ва саҳнига яхши ниятлар билан кўчат экиш халқимизнинг энг қадимий эзгу удумларидан биридир. Шу боис, айниқса, қишлоқларимизда барпо этилаётган намунавий турар жойлар атрофини обод этиш, боғ ва гулзорларни кўпайтириш ишларига биргаликда киришайлик.

Меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатаётган ходимлар сонидан келиб чиққан ҳолда ҳар биримиз биттадан кўчат экайлик. Зеро, бизнинг бу хайрли амалларимиз мамлакатимиз табиатини муҳофаза этиш, умуммиллий бойлигимиз бўлган ўсимликлар дунёсини асраб-авайлаш, кўпайтириш ва келажак авлодга бус-бутун етказиш ишларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Шу мақсадда таълим-тарбия масканлари, маданий-маиший ва ижтимоий объектлар, корхона ва ташкилотлар атрофида, шаҳару қишлоқларимизда, йўл ва хиёбонлар четида тану жонимизни қишнинг қировли кунларидан, ёзнинг жазирама иссиғидан муҳофаза қилувчи дарахтзор ва боғларни барпо этайлик. Шуни ёдда тутайликки, 1 гектар майдондаги дарахтзор 54 тонна чанг, 5 тонна ис газини ушлаб қолиб, ҳавонинг зарарли микрофлора билан тўйинишини 40-45 фоизга камайтиради.

Бу эзгу ва хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг фуқаролик ва ватанпарварлик бурчимиздир.

Барчамиз биргаликда мавжуд имконият ва тажрибамиздан унумли фойдаланиб, Ватанимизни янада обод этиш, эккан ниҳолларимиз мевасидан фарзандларимиз, набира-ю абираларимиз ва улардан кейинги авлодларнинг баҳраманд бўлишини таъминлайлик.

Бу орқали Соғлом бола йилида баркамол авлод тарбиясига, соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлашга муносиб улушимизни қўшайлик.

Яратажак боғларимиз Она Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлсин!

Эъзоз ва эҳтиром

Юртимизда кўклам сурури. Ҳар кўнгилда яшариш, янгиланиш, покланиш айёми. Умидлар барг ёзаётган куртакларда, яшилликдан зийнатланган мажнунтол новдаларида, бодомнинг шода-шода гулларида, она заминдан бош кўтараётган ям-яшил майсалару чечакларда баҳор нафаси. Айниқса, баҳорга эгизак дилбар аёлларимиз, азиз ва мўътабар онахонларимиз, гўзал қизларимиз байрами муносабати билан ҳар гўшада ўзига хос тараддуд авжида.

Аёлни қадрлаш – миллатни қадрлаш

Дарҳақиқат, Халқаро хотин-қизлар куни айнан баҳорнинг илк байрами сифатида нишонланишида ўзгача рамзий маъно бор. Чунки, аёлни баҳордан, баҳорни аёлдан айро тасаввур этиб бўлмайди. Гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат рамзи, оила ва жамиятнинг кўрки бўлган аёлларимиз ҳар қанча эъзозга муносиб.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган «Аёлни қадрлаш — миллатни қадрлаш» мавзуидаги маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда юртимиз равнақи, Ватанимиз тараққиёти, турмушимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшиб келаётган фахрийлар, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакилалари, маданият ва санъат фидойилари ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этдилар.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, фаолиятни оилавий юмушлар билан уйғун ҳолда олиб бориш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун барча шароитлар яратилган, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — Мамлакатимизда аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ишлари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Эътироф этиш керакки, Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан юртимизда аёллар масаласида 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда йилнинг белгиланган бир куни эмас, ҳамишаҳамрўз аёлларга юксак эҳтиром кўрсатилади. Негаки, аёл тириклик ва тараққиётнинг барҳаёт булоғидир. Шу боис жамиятнинг маънавий баркамоллиги аёлга муносабат билан белгиланади. Юртимизда хотин-қизлар давлат ардоғида. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашнинг мустаҳкам ҳуқуқий негизи яратилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам турли тармоқларида меҳнат қилаётган ходимларнинг қарийб 50 фоизини ташкил этувчи хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, касаба уюшмалари томонидан жамоа шартномалари ва келишувлари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишдаги ишларни кучайтириш мақсадида Федерация қошида Хотин-қизлар Кенгаши фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда жамоа шартномалари ва келишувларига аёллар манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга оид янги бўлим ва бандларнинг киритилиши корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар учун имтиёз ва қулайликлар кўламини янада кенгайтириш имконини берди.

Хусусан, жамоа шартномалари орқали ўтган йили 5,5 мингга яқин корхонада 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган 11,5 минг нафарга яқин ёш онага қарийб 4 млрд. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги 2,5 мингга яқин корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 7 минг 360 нафар болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда, ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланди. Шунингдек, жамоа шартномалари орқали хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, касаба уюшмаларининг «Ишонч телефонлари» орқали бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ишлари амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, касаба уюшмалари томонидан ижтимоий шериклик асосида меҳнат бозорида улар манфаатларини ҳимоялаш, ишловчи аёлларнинг малакасини ошириш, касбга йўналтириш, қайта ўқитиш, хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари кенг йўлга қўйилган.

(Давоми 2-саҳифада).

Бошланғич ташкилотларда

Жамоада тартиб-интизом, ходимларнинг ўзаро иноқ бўлиши биринчи галда касабақўм етакчисига боғлиқ. Сабаби, у меҳнаткашларнинг расмий вакилигина эмас, балки дўсти, сирдоши, ҳимоячиси ҳамдир. Ана шундай масъулиятли вазифаларни адо этиш учун у ҳар жиҳатдан билимли, ташаббускор, ташкилотчи бўлмоғи зарур.

«Жамоа шартномаси – асосий қуролимиз»

— дейди Уст-юрт қидириш бурғулаш бошқармаси шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Махсетбай Қурбаниязов

«Ўзгеобурғунефтгаз» АКга қарашли «Уст-юрт қидириш бурғулаш бошқармаси» шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Махсетбай Қурбаниязовнинг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай аъзолар ишончини қозониб, ишни намунали ташкил этишга муваффақ бўлгани эътиборга молик.

Шўъба корхонасида 12 та бурғуловчи, 2 та минора қуришга мослашган, 4 та қудуқларни синовдан ўтказувчи ва битта сув қазиш бригадалари, ремонт-механика цехи, автотранспорт шохобчаси, бурғулаш ускуналарини таъмирлаш, моддий-техник ресурслар, ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш базаси мавжуд бўлиб, бажариладиган ишлар ҳам, шароитлар ҳам ҳар хил. Шу боисдан уларга муносиб меҳнат шароити яратиш, хавфсизликни таъминлаш каби масалаларни ҳал этиш учун иш берувчи билан жиддий мунозаралар олиб боришга тўғри келади.

Жамоа шартномасида 985 нафар меҳнаткашнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари бекаму кўст қамраб олинишига эришилган. Муҳими, ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишда аъзоларнинг талаб, таклиф ва фикрлари чуқур ўрганиб чиқилди.

— Қўмитага раис этиб тайинланган кунимдан бошлаб жамоа шартномасининг ҳар бир бўлими, бандини ҳар жиҳатдан ўрганишга киришдим, — дейди М.Қурбаниязов. — Меъёрий ҳужжатдаги бажарилмай қолган айрим бандлар, бир қанча масалалар бўйича киритилиши лозим бўлган қўшимча тадбирлар ҳақида иш берувчи билан очиқ гаплашиб олдик.

(Давоми 2-саҳифада).

Муқаддас бурч

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан вилоятларда хизмат муддатини ўтаб бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларни ҳарбий қисмлардан тантанали кузатиш ҳамда уларни жойларда кутиб олиш тадбирлари кўтаринки руҳда ташкил этилаяпти.

Сарҳадларимиз посбонлари

Жумладан, Тошкент шаҳридаги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни тантанали кузатиш тадбири бўлиб ўтди.

Унда Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маъруфова, «Нуроний» жамғармаси раҳбари Э.Боқибоев, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши вакили С.Яқубов қатнашди. Хизмат давомида аъло натижаларга эришган 55 нафар ҳарбий хизматчига қисм қўмондонлигининг тавсияномалари топширилди.

Тадбирда ҳарбий қисм оркестри томонидан концерт дастури намойиш этилди.

* * *

Навоий темирйўл вокзалида хизмат муддатини ўтаб қайтган ҳарбий хизматчиларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, сенатор Н.Тоғаева, вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари подполковник М.Ғиёсов иштирок этди.

Тадбир якунида касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Президентимиз асарлари ҳарбий хизматчиларга тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз

Бухоро давлат университети талабаси Муқаддас Ширинова ҳар томонлама тенгдошларига намуна бўлиб келаётган оқила, истеъдодли қиз.

2012-2013 ўқув йилида география бўйича фан олимпиадасининг мамлакат босқичида биринчи ўринни эгаллаб, имтиёзли равишда олий ўқув юртида ўқиш имкониятига эга бўлган Муқаддас интилувчанлиги ва фаоллиги билан қисқа вақт ичида университет жамоатчилигининг ҳурматини қозонди.

Айни пайтда география йўналишида илмий изланишларини давом эттираётган М.Ширинова инглиз тилини ҳам пухта ўрганмоқда.

Суратда: Муқаддас Ширинова.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

Эътибор

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соғлом бола йили ҳамда 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бир гуруҳ аёллар «Умид гулшани» санаторийсида бепул соғломлаштириладиган бўлди.

Бепул йўлланмалар

Улардан бири Гурлан туманидаги 25-умумтаълим мактабида 23 йилдан буён ёш авлодга сабоқ бериб келаётган Моҳира Самандаровадир.

— Касаба уюшмаларининг ушбу эътиборидан бошим кўкка етди, — дейди муаллима.

Янгибозор туман молия бўлими иқтисодчиси Розия Тожибоева эса хотин-қизлар касаба уюшма ғамхўрлигидан доимий равишда баҳраманд бўлиб келаётганлигини, улар учун муносиб иш ва дам олиш шароитлари яратилганлигини эътироф этди.

Яқинда Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан ушбу йўлланмаларни тантанали топшириш маросими ўтказилди. Тадбирда иштирок этганлар хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо беришди.

— Хотин-қизлар саломатлигини тиклаш борасидаги чора-тадбирлар йил бўйи узлуксиз давом этади, — дейди бирлашма ижтимоий суғурта бўлими мудири Озод Исмоилов. — Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан яна кўплаб аёлларга бепул йўлланмалар ажратиш кўзда тутилган.

М.ТЎРАБОЕВА

Ishonch
2014-yil 6-mart № 30 (3379)

Аёлни қадрлаш – миллатни қадрлаш

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, касаба уюшмалари томонидан турли ҳудудларнинг энг чекка туманларида хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилиб, улар бандлиги таъминланмоқда. Тизимдаги санаторийларда хотин-қизлар имтиёзли асосларда ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлаяпти. Уларнинг фарзандлари эса энг сўлим оромгоҳларда соғломлаштирилмоқда.

Ижтимоий ҳимояталаб оилалардан бўлган ва қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аёлларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш масаласи ҳам бугун касаба уюшмаларининг диққат марказида. Шу мақсадда қишлоқ аёллари маиший техника жиҳозлари билан таъминланмоқда. Ўтган йили ана шундай аёллардан 184 нафари касаба уюшмалари томонидан 130 млн. сўмлик электр маиший техника жиҳозлари (кир ювиш машинаси, микротўлқинли печ, музлаткич) билан таъминланган бўлса, Соғлом бола йилида 1000 нафар хотин-қизни зарурий маиший техника билан таъминлаш режалаштирилган. Шунингдек, кам таъминланган, кўп болали оилалардан бўлган 400 нафар хотин-қизнинг касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар билан таъминланиши, хотин-қизлар учун жамоа шартномалари орқали мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига уюштирилаётган саёҳатлар кўламини кенгайтириш кўзда тутилган.

Бугун касаба уюшмалари тизимида турли соҳаларда самарали фаолият юритаётган илғор ва фаол хотин-қизларни байрамлар, жумладан, касб байрамлари арафасида рағбатлантириш яхши анъанага айланган.

Шунингдек, байрам тадбирида республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояталаб оила вакиллари бўлган 50 нафар аёлга касаба уюшмалари тизимидаги «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланмалар топширилди. Хотин-қизлар учун санъат усталари иштирокида намойиш этилган концерт дастури тадбирга янада файз киритди. Бир пиёла чой атрофида кечган дилкаш суҳбатлар, элга катта наф келтириб, айни кунда кексалик гаштини сураётган доно онахонларнинг ўгитлари ҳар бир иштирокчи аёл қалбига ўзгача кўтаринки кайфият, руҳий қувват бағишлади.

— Аёл шундай зотки, ҳар бир ишда қалбидан зиё, кўзидан нур, қўлидан тафт тўкади. Ана шу фазилати билан аёл эзгуликка, яхшиликка доядри, — дейди севимли санъаткоримиз, Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова. — Касаба уюшмалари уюштирган бугунги маданий-маърифий тадбир эл-юрт ишида фидойи аёлларга ўзига хос байрам совғаси бўлди. Ҳар бир иштирокчида унутилмас таассуротлар қолдирди.

— Жамият ва аёл тараққиётнинг бир-бирига чамбарчас боғланган икки ҳалқаси, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Умида Абдуазимова. — Аёлини ҳимоялаган жамият қудратли бўлади. Қудратли жамият эса маънан етук оилалардан таркиб топади. Инсонпарвар жамият барпо этилаётган юртимизда аёлга, онага муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мамлакатимизда хотин-қизларга жаҳон давлатларининг ҳеч бирида кузатилмаган ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Аёл зотини улуғлаш мақсадида унинг номига йиллар аталди, мукофотлар жорий этилди. Она ҳайкаллари Эзгулик рамзи сифатида Ватанимиз юраги бўлмиш бош майдонимизда қад ростлади.

Зеро, аёли эъзоз кўрган юртга байрамлару шодиёналар ярашади.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
ЎзКУФК Матбуот хизмати раҳбари,
Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

■ Давра суҳбати

Ниятлар муштарак

Республикамиз ҳудудларида уюшқоқлик билан ўтказилган «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзуидаги давра суҳбатлари, аввало, касаба уюшма аъзоларининг манфаатига хизмат қилаётир.

Касаба уюшма ташкилотлари Наманган вилоят бирлашмасида ташкил этилган давра суҳбатида вилоят ҳокими ўринбосари Ҳ.Маткаримов, ЎзКУФК мутахассиси Й.Ёдгоров ҳамда қатор манфаатдор ташкилотлар вакиллари, касаба уюшма фаоллари иштирок этишди. Унда ҳудудга хос, ечимини кутаётган масалаларга тегишлича баҳо берилди.

— Ўтган йили давра суҳбати доирасида кўтарилган ўттиздан ортиқ масалалар ўз ечимини топган эди, — дея таъкидлади бирлашма кенгаши раиси З.Маҳкамова кириш сўзида. — Бу йил туманларда ташкил этилган учрашувлар натижасида 110 га яқин масалалар тегишли мутасаддилар томонидан назоратга олинди. Муҳими, аъзоларимизда ҳуқуқий устуворлика ишонч, демократик тамойилларга таяниш ҳисси шаклланиб бормоқда.

Дарҳақиқат, юзма-юз мулоқот кўплаб муаммоларни ойдинлаштиради. Иштирокчилар томонидан ўртага ташланган саволлар, таклифлар ҳам жамият тараққиётига, ватандошларимиз фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

* * *

Дилшод ТЎХТАБОЕВ,
вилоят КУТБ бўлим мудири:

— Тадбирда касаба уюшма фаоллари томонидан билдирилган таклифлар амалга оширилишига келишиб олдик. Жумладан, Солиқ кодексига асосан уйида қорамол боқаётган ёхуд шахсий томорқасида меҳнат билан банд кишиларга имтиёзлар назарда тутилган. Бу имтиёзлардан фойдаланган кишиларнинг келажакда пенсияга чиқишида ҳам қулайлик яратилган. Афсуски, бундан кўпчиликнинг хабари йўқ. Қонунчилигимиздаги бундай енгилликларни тушуниб етган одамларнинг фаровонликка қўшадиган улуши ортиб бориши аниқ. Бу борада «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлими, солиқ бошқармаси ҳамда бошқа ижтимоий шерикларимиз билан ҳамкорликка келишиб олдик.

Саидолим СУЛТОНОВ,
вилоят Фермерлар кенгаши раиси:

— Бизни ўйлантираётган бир муаммо кўпдан касаба уюшма фаолларини ҳам қизиқтириб келаркан. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси фаоллари кун тартибига қўяётган таклиф қонунчилик талаблари билан ҳам ҳамоҳанг. Бу фермер хўжаликларида ишчилар сони масаласи. Дарҳақиқат, 2 га пахта майдонига бир нафар, 5 га ғалла майдонига бир нафардан ишчи керак. Аммо бу масалани ҳал қилишга келганда бироз сусткашликка йўл қўйилаётган эди. Ушбу талаб бажарилса, кўпчилик ишли бўлади. Демакки, назоратни кучайтириш орқали бу масалани ҳал этамиз.

Иккинчи таклиф юзасидан ишлар бошлаб юборилди. Ҳозирда намунавий шийпонлар яратилиб, у ерда меҳнаткашлар қишда ҳам бошқа меҳнат тури билан банд бўлиши учун етарли шароит яратишни мақсад қилганмиз.

Мавлонбек ЗАРИПОВ,
вилоят КУТБ юристконсулти:

— Касаба уюшмалари меҳнат жамоаларида қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу мақсадда айрим иш берувчиларга қонунан ҳал этилиши шарт бўлган турли вазиятлар юзасидан тақдимномалар киритиб борамиз. Аммо айрим раҳбарларнинг мазкур механизмга беписандроқ ёндашиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Мазкур масала юзасидан вилоят ҳокимлигининг бевосита амалий ёрдам бериш ҳақидаги қарори биз учун катта далда бўлди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

■ Жамоа шартномаси – амалда

Шаҳрисабз туман тиббиёт бирлашмасида 3612 нафар шифокор, ҳамшира ва техник ходим меҳнат қилади. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан уларнинг манфаатлари тўла қамраб олиняпти.

Ходимлар манфаати таъминланаяпти

Ўтган йили биргина меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари учун 264 500 000 сўм сарфланди. Тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасининг иситиш қозонлари янгилари билан алмаштирилди. Бинонинг барча хоналарига янги деразалар ўрнатилди. Туман ДСЭНМ биноси, 1-стоматология поликлиникаси, Кўл қишлоқ врачлик пункти замонавий услубда таъмирланиб, янгидан-янги қулайликларга эга бўлди.

Ходимларни махсус кийим-бош билан таъминлаш, зарарли ишларда меҳнат қилувчиларга сут ва сут маҳсулотлари бериш йўлга қўйилган. Ўтган йили 15 нафар тиббиёт ходими турли санаторийларда ҳордиқ чиқарган бўлса, саломатлик посбонларининг 75 нафар фарзанди оромгоҳларда дам олдирилди.

Кам таъминланганлар ҳам эътибордан четда қолмади. Жумладан, 81 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Байрамлар муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилиб, фаол ходимлар рағбатлантирилди.

Соғлом бола йилида туман миқёсида 75 та нодавлат сектор корхоналарини касаба уюшмасига жалб қилиш режалаштирилган бўлиб, бу борада қизғин иш олиб борилмоқда.

Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ,
Шаҳрисабз туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

■ Ярмарка

Ёшлар ишли бўлди

Марғилон шаҳрида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 62 та корхона, ташкилот ва муассаса 300 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ушбу ярмарка шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда аҳолининг вақтинча ишсиз қатлами, коллеж битирувчилари, жазони ўташ жойларидан озод этилган, одам савдосидан жабр кўрган шахслар иштирок этди.



Ярмарка иштирокчилари таклиф этилган бўш иш ўринлари билан яқиндан танишиб, ўз мутахассисликлари бўйича иш жойига эга бўлдилар. Натижада, 58 кишининг бандлиги таъминланди. Жумладан, 30 нафар коллеж битирувчиси ва корхона, ташкилотлар ўртасида 3 томонлама шартномалар тузилди.

Шунингдек, ярмаркага ташриф буюрган фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

■ Келажак сари

Каттақўрғон шаҳридаги 3-умумтаълим мактаби маъмурияти ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилоти 9-синф ўқувчилари ва ота-оналар иштирокида «Касбинг-сенинг келажагинг» мавзуида суҳбат ташкил этди.

Касбинг – фахринг

Тадбирда катта ҳаёт остонасида турган ёшлар эртанги кунда қайси касб этагини тутиши лозимлиги ҳақида фикр юритилиб, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига ҳудуддаги педагогика, тиббиёт, иқтисодиёт, транспорт касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

■ Йиғилиш

«Электро-кимёзаводи» ЁАЖ қўшма корхонасида жамоа шартномасининг 2013 йилда бажарилишига бағишланган умумий йиғилиш бўлиб ўтди.

Фаолият сарҳисоб этилди

Унда иш берувчи томонидан жамоа шартномасининг ўтган йилда бажарилиши, корхонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида «Электрокимё заводи» ЁАЖ ҚК бош директори Нурали Раҳимов ва касаба уюшмаси томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қилинган ишлар тўғрисида касабақўм етакчиси Лилия Камолованинг ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда ЎзКУФК бош мутахассиси А.Абдуллаев касаба уюшмалари юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этаётгани, бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмаларининг ҳимоя функцияси янада кенгайиб, бандлик, иш ҳақи, меҳнат хавфсизлиги, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя, соғломлаштириш, маънавий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалалари тобора долзарб бўлаётганига эътиборни қаратди.

Бўрибой ҲОЖИЕВ,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

«Жамоа шартномаси – асосий қуролимиз»

– дейди Уст-юрт қидириш бурғулаш бошқармаси шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Махсетбай Қурбаниязов

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шу тариқа корхонада ўтган йилнинг май ойида 2013-2015 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси тегишли тузатишлардан сўнг амалга жорий қилина бошланди.

Бурғулаш цехида ходимлар учун уч маҳал иссиқ овқат ташкил этилган. Ўтган йилда ходимларга моддий ёрдам учун корхона томонидан 58 млн. сўм, касаба уюшма ҳисобидан 10 млн. сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Ноқулай иш шароитида меҳнат қилаётган ишчиларга 2 млрд. 898 млн. сўмлик компенсация пуллари тўланган. Меҳнат муҳофазаси учун зарур ускуналар, иш қуроллари ва махсус кийим-кечаклар учун 433 млн. сўм сарфланган. Шунингдек, ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитга намунавий уй-жой олган тўрт нафар оиланинг дастлабки тўлови корхона ҳисобидан қоплаб берилган.

Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда корхона тасарруфидаги ишлаб чиқариш участкаларида 10 нафар меҳнатни муҳофаза қилиш вакили фаолият олиб боради. Улар тегишли тартибда вақти-вақти билан иш берувчи ва касаба уюшма томонидан рағбатлантириб турилади.

Ходимлар ишдан бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча ишлаб чиқариш участкаларида республикамизнинг етакчи нашрлари, ҳудудий газета ва журналлар, телевизорлар билан таъминланган «Маънавият ва маърифат» хоналари ташкил этилган. Бундан ташқари, тренажёр, теннис, шахмат, футбол каби спорт турлари билан шуғулланиш учун барча шароит мавжуд. Қўмита режасига асосан йил давомида турли спорт йўналишлари бўйича спартакиадалар ташкил этиб турилади.

Барча байрамларда ходимлар билан бир қаторда шу корхонада ишлаб, пенсияга чиққан фахрийлар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, байналмилалчилар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, ёлғиз, кекса, кам таъминланганларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Меҳнаткашларнинг дунёқарашини сайқал топтириш мақсадида мунтазам равишда «Маънавият соатлари» ўтказиб келинади. Шу билан бирга, бултур энг фаол ишчилар қадим Хива шаҳрига саёҳат қилишди. Бир қанча киши Тошкент, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ва пойтахтимиздаги «Бўстон», «Ботаника», «Косонсой», «Чинобод», «Чимён» каби санаторийларда соғликларини тиклашди. Корхонада меҳнат қилаётган ходимларнинг фарзандларидан 150 нафари ёз мавсумида Шаҳрисабз шаҳридаги «Беруний» оромгоҳида, яна 33 нафари Қорақалпоғистоннинг ўзида жойлашган дам олиш масканларида мароқли дам олишди.

Дилором АЛЛАКУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Жиззах туманидаги «Кашмир текстил» корхонаси йилига 1 минг 200 тонна акрил калава иплари ишлаб чиқариш қувватига эга.

КОРХОНАНИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТИ

Ўтган йили фаолиятини бошлаган корхона маҳсулотлари Самарқанд, Хоразм ва Жиззах вилоятларидаги бешта гилам ишлаб чиқариш корхонасига узлуксиз етказиб берилаётир. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада қирққа яқин ёшлар иш билан таъминланган.

Суратларда: ишчилар — Нилуфар Ёқубова, Сайёра Йўлдошева; Нигора Ҳазратқулова ва Гулзода Азимова.

Шерзод НАЗАРОВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Йилнинг энг фаол журналисти – 2013» танловини эълон қилади

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўтган 2013 йилда мамлакатимиз ўзи танлаб олган ва оғишмай илгарилаб бораётган тараққиёт йўлидан яна бир довон ошди. Мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари маҳсули бўлган ютуқ ва муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан янада кенг эътироф этилди.

Тараққиётнинг ўзбекона йўли, тарих ва истиқбол кесишган чорраҳалар, миллий қадриятларимиз ривожи, халқимиз ҳаётидаги янгиланишлар, хусусан, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар оммавий ахборот воситалари фаолияти ва журналистлар ижодида устувор ўрин тутди.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2013 йилнинг 1 июнидан 2014 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Тошкент шаҳри, 100129,
Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30-, 35-хоналар
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.
www.journalist.uz

Инсон ва қонун

Мамлакатимиз қонунчилигига биноан, касаба уюшмалари манфаатдор идоралар билан биргаликда иш берувчининг меҳнат қонунчилигига риоя қилишини ўз назоратига олган. Бу борада Жиззах вилоятида ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Масалан, 2012 йилда тақдимнома ва суд қарорларига асосан 37 нафар фуқаро ишга тикланган бўлса, 2013 йилнинг биргина 9 ойи давомида ишга тиклаш ҳақида мурожаат этган 56 нафар фуқаронинг талаби қондирилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аксар ҳолларда баъзи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий саводсизлиги ходимларнинг ноқонуний ишдан бўшатилиши, мажбурий бекор юриши, моддий ва маънавий зарар кўришига сабаб бўлмоқда. Бу эса бюджет, нобюджет ёки хўжалик юритувчи бошқа турдаги ташкилотларнинг суд талабини қондириш пайтида ортиқча моддий зарар кўришига олиб келяпти.

Ҳуқуқбузарлик оқибати

Мисол учун, 2013 йил май, июн ойларида Жиззах кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган корхонада ишлаган 20 нафар ходим ишдан ноқонуний бўшатилганлиги тўғрисида касаба уюшмаларига мурожаат тушди. Ўрганишлар жараёнида маълум бўлишича, 12 нафар ходим Меҳнат кодексининг 99-моддасига биноан ишдан бўшатилган экан. Корхона раҳбари улардан мажбуран ариза ёздириб олган. Бундан ташқари, ариза ёзилган кун санаси билан МКнинг 99-моддасида назарда тутилган икки ҳафталик огоҳлантириш муддатини кутмасдан меҳнат шартномаларини бекор қилган. 8 нафар ходим билан тузилган шартнома эса улар ишлаётган йўл бўлими Жиззах ТЙХПТФКдан Дўстлик ТЙХПТФКга ўтганлиги сабабли бекор қилинган. Бироқ текширув пайтида маъмурият бундай ҳолат меҳнат шартномасининг қайси моддасида кўрсатилганлигига аниқлик кирита олмади. Вазият ходимларнинг ишлаш жойи ўзгармаган ҳолда иш берувчи ўзгаришига олиб келган. Яъни, меҳнат шартлари ўзгармаган.

Касаба уюшмалари томонидан раҳбариятга меҳнаткашлар ҳуқуқини тиклашни сўраб тақдимнома киритилди. Корхона ҳуқуқшуноси билан суҳбат ўтказилиб, қонун талаблари ва қонунбузарлик оқибатлари тушунтирилди. Бироқ тақдимнома қаноатлантирилмагач, ходимлар манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси киритилди.

Ноқонуний буйруқ чиқарган маъмурият қанча уринмасин, Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 1 августдаги ажримига кўра, бирлашма кенгашининг даъвоси қаноатлантирилди. 20 нафар ходим ишга тикланиб, уларга жами 99372060 сўм иш ҳақи ва 11300000 сўм маънавий зарар ундириш белгиланди. Шунингдек, корхонадан 9976995 сўм давлат божи ундириладиган бўлди. Раҳбариятнинг ҳуқуқий хатоси ташкилотга каттагина моддий зарар етказди.

Шу ўринда жамоа шартномасида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатини олган бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси ва аъзоларининг ҳуқуқий билимларини ҳам етарли деб бўлмаслигини, қолаверса, ҳуқуқшунос ва кадрлар бўйича мутахассиснинг қонунбузарликка панжа ортидан қарагани ҳам келишмовчиликка сабаб бўлганини таъкидлаш лозим.

Бу каби ҳодисалар такрорланмаслиги учун вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши фуқаролар мурожаатларини таҳлил қилиб, энг кўп қонунбузарликлар содир қилинган соҳалар бўйича иш берувчилар билан ижтимоий шериклик муносабатларини ўрнатди. Раҳбар, кадрлар бўйича мутахассис ва касаба уюшма қўмитаси раислари билан меҳнат қонунчилиги бўйича ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари белгиланган дастур асосида ўтказиб борилмоқда.

Э.УМИРЗАҚОВ,
Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

Маънавият ҳимояси

Мамлакатимиз божхоначилари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда хорижда тайёрланган филмлар, турли концертлар ва бошқа материалларни ноқонуний равишда кўпайтириб, муаллифликка оид ҳуқуқларни қўпол равишда бузаётган видеоқароқчиларга қарши қаратилган чора-тадбирларни мунтазам олиб бормоқда. Тадбирлар жараёнида ёшлар маънавияти, тарбиясига зарарли таъсир қилувчи порнографик мазмундаги, зўравонликни тарғиб қилувчи кўплаб материалларнинг мамлакатимиз ҳудудига кириб келишига чек қўйилди.

Видеоқароқчилар

Хусусан, «Ғиштқўприк» чегара божхона комплексига кириб келган мамлакатимиз фуқароси Л.Маркова-да тўлдирилган божхона декларациясида кўрсатилмаган ва божхона инспекторининг оғзаки сўрови вақтида айтилмаган 227 дона хорижий видеофилмлар ёзилган контрафакт DVD дисклар борлиги аниқланди. Шу божхона масканидан ўтмоқчи бўлган Ш.Ибрагимованинг юклари текширилганда эса, у ҳужжатларда кўрсатилмаган 160 дона турли мазмундаги DVD дискларни мамлакатимиз ҳудудига олиб киришга урингани маълум бўлди. Шунингдек, фуқаро А.Тоғаевнинг «Lenovo» номли ноутбуки хотирасига ёзилган 249 дона порнографик мазмундаги видеотасвирли файллар борлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилдан шу кунга қадар Тошкент вилоятида 80 дан ортиқ шу турдаги қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, салкам 2400 дона аудио-видео кассета ва турли форматдаги дискларнинг ноқонуний айланмасининг олди олинди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чора кўрилди. Тошкент вилояти божхона бошқармаси томонидан ушбу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати

Реклама ўрнида

IPOTEKA BANK

Мамлакатимиз ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашишда молия муассасалари, хусусан, «Ипотека-банк»нинг ҳам муносиб улуши бор. Буни мижозларнинг эътирофлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Ишончли молиявий ҳамкор

Лола АЛИЕВА,
«Lola darmon shifo» хусусий корхонаси раҳбари:

— Корхонамиз уч йил муқаддам Навоий вилояти Зарафшон шаҳри ҳокимлиги томонидан тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олинган. Йўналишимиз — аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш. Ходимларимиз ултратовуш ускуналари ёрдамида мижозларга ташхис қўйишади. Бундан ташқари, дори-дармонлар ҳамда бошқа тиббий маҳсулотларни сотиш билан шуғулланамиз.

Акциядорлик-тижорат «Ипотека-банк»нинг Зарафшон филиалига қарашли Зарафшон мини-банкида ҳисоб-рақами очганмиз. Унинг ишхонамиз яқинида жойлашгани бизга ҳар томонлама қулайлик туғдиради. У ерда малакали мутахассислар ишлайди. Кўрсатилаётган хизматлар бугунги кун талабларига мос келади. Мини-банк ходимлари керакли маслаҳатлар бериш, таклифларимизни муҳокама қилиш, тайёрланган ҳужжатларни ўрганиб, зудлик билан хулоса беришга ҳамиша тайёр.

Зарафшон мини-банкида кредит беришга алоҳида эътибор берилади. Бунга корхонамиз мисолида ишонч ҳосил қилдик. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида янги тиббиёт ускуналари сотиб олишга қарор қилгач, бизнес-режани тайёрлаб, кўриб чиқиш учун банк ходимларига тақдим этдик. Улар лойиҳамизни маъқуллашди.

Уч йил муддатга 60 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ушбу маблағга замонавий «Shison ivis» русумли 3Д-ултратовуш ускунасини сотиб олдик. Малакали хизмат кўрсатиш учун қўшимча иккита мутахассис ҳам ишга олинди. Натижада, аҳолига замонавий УЗИ ва ЭКГ ускуналари ёрдамида сифатли тиббий ташхис қўйишга эришилди.

Бу йил ҳам банк ходимлари билан самарали ҳамкорликни давом эттирамиз. Томди туманининг Даугизтоғ ва Мурунтоғ қишлоқлари аҳолиси ҳам хизматимиздан фойдалансин деган ниятимиз бор. Ҳозир «Ипотекабанк»нинг Зарафшон филиали раҳбарлари билан келишган ҳолда, шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастурини бажариш учун тиббиёт ускунаси ўрнатилган «Дамас» машинасини сотиб олиш бўйича бизнес-режа тайёрлаяпмиз.

Келгусида ҳам бу молия муассасаси билан алоқамизни мустаҳкамлаймиз. Унинг ходимлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида муносиб ўрин эгаллашимизга кўмак берадилар.

Фурқат ҲАСАНОВ,
«Мир-Улуғбек-МХ» МЧЖ раҳбари:

— Корхонамиз 2005 йилда фаолият бошлаб, калиш ишлаб чиқариш билан шуғулланди. Аммо хом ашё бошқа мамлакатлардан келтирилиш туфайли уларни етказиб беришда юз берган узилишлар орқасидан пайдо бўлган муаммолар туфайли фаолиятимиз тўхтаб қолди. Биномизни ижарага беришга тўғри келди. Ўша пайтда бу боши берк кўчадан чиқишнинг иложи йўқдек туюлганди.

Жиззах вилоятининг хизмат кўрсатиш ва саноат салоҳиятини юксалтиришга қаратилган Ҳукумат мажлиси қарори асосида тайёрланган дастурга жамоамиз ҳам киритилганлиги бизга руҳ бағишлади.

Ушбу тадбирларни амалга оширишда «Ипотекабанк»нинг Жиззах вилояти филиали катта ёрдам берди. Авваламбор, банк билан ҳамкорлигимиз қисқа муддатда оёққа туриб олишимиз ва ишлаб чиқаришни кескин юксалтиришимизга имкон берди.

Биринчи кредит бизга 2012 йилда берилди. 60 ой муддатга 741,2 миллион сўм пул олдик. Ушбу маблағ эвазига Хитойнинг «Huoeruos Import and Export Trade CO. LTD» компаниясидан пайпоқ ишлаб чиқарадиган технологик йўналишни сотиб олдик. Шундан буён ўз маҳсулотимиз билан ички бозорни тўлдириб келаяпмиз. Беш ойдан сўнг бизга бир йил муддатга хом ашё ва қурилиш материаллари сотиб олиш учун 120 миллион сўм кредит берилди. Ушбу қарзни ўз вақтида тўлаб бўлдик.

Ўтган йилнинг феврал ойида «Ипотека-банк»дан корхонамизнинг айланма маблағини тўлдириш учун 18 ой муддатга 61,9 миллион сўм кредит олдик. Бу қарзимизни ҳам жадвал асосида тўлаб бораяпмиз.

Энг катта кредитни эса жорий йилнинг 14 январида олдик. Банк тақдим қилинган бизнес-режани диққат билан ўрганиб чиқиб, 60 ой муддатга 1,2 миллиард сўм миқдорида кредит ажратишга қарор қилди. Ушбу маблағ зарур хом ашё ҳамда «ZX-6F» русумидаги 42 та станок сотиб олишга сарфланди. «Huoeruos Import and Export Trade CO. LTD» компанияси томонидан етказиб берилган ушбу ускуналар пайпоқ ҳамда болалар иштончаси ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Мазкур лойиҳа шарофати билан 50 та янги иш ўрни яратилди. Юқори технологик ускуналарни бошқараётган аёллар сони 37 тага етди. Корхонамизда 26 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси иш билан таъминланди.

«Ипотека-банк»нинг Жиззах вилояти филиали билан ҳамкорлигимиз тобора кучаймоқда. Ҳозирги пайтда маҳсулотларимизнинг бир қисмини хорижга чиқариш хусусида бош қотираяпмиз. Бу борада ҳам силжишлар бор. Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватини янада оширишни ўйлаяпмиз. Ёшларга иш ўрни керак. Бизнинг вазифамиз — уларнинг бандлигини таъминлаш. Шундай тарзда устувор йўналишлар аниқ белгиланган.

Режаларимизнинг амалга ошишига шубҳа йўқ. Чунки «Ипотека-банк» тимсолида биз узоқ муддат таянч бўладиган ишончли молиявий ҳамкор топганмиз.

Насиба ИСМАТОВА,
«Ishonch» мухбири

ЎзА суратлари

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ 22-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объектлар номи: **ЛОТ-5**

ЛОТ-5.1. «Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги «К-1-2-3» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L= 118,018 км)» 2-навбат.

Бошланғич нархи **698 097 252 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати – **13 ой.**

ЛОТ-5.2. «Фарғона вилояти Бувайда туманидаги «Оққўрғон-Картан» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=98,090 км)» 2-навбат.

Бошланғич нархи **725 371 893 сўм ҚҚСсиз.**

Муддати – **31.12.2014 йил.**

Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови 35%.

Буюртмачи: **22-сон Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.**

Манзил: Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси, 92-уй, тел.(373) 244-70-85.

Қурилиш-монтаж ишлари: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: 8-373-244-55-32.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчаси 92-уй, манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

ФАҚАТ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объект номи: **ЛОТ 1**

ЛОТ 1.1. «Фарғона вилояти Сўх тумани Сўх ҚФЙ Гулистон МФЙ «Пидиргон» сел йўли қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари» (1-навбат).

Бошланғич нархи **204 376 620 сўм ҚҚС билан, 170 313 850 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 1.2. «Фарғона вилояти Сўх тумани Бобокалон ҚФЙ Сариканда қишлоғидаги Обширсой сел йўли қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари» (1-навбат).

Бошланғич нархи **195 637 140 сўм ҚҚС билан; 163 030 950 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 1.3. «Фарғона вилояти Сўх тумани Охунбобоев ҚФЙ Ленбур қишлоғидаги «Шўрбулоқ» сел йўлини реконструкция қилиш ишлари» (1-навбат).

Бошланғич нархи **451 238 780 сўм ҚҚС билан; 376 032 310 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати: 01.07.2014 й.

Буюртмачи: **«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, тел.(95) 401-52-01.401-52-06.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: 8-373-244-55-32

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри,Темирйўлчилар кўчаси 37-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

В соответствии с решением Общего собрания Учредителей (Протокол № 1 от «20» февраля 2014 года Общего собрания Учредителей Общественного фонда «Фонд поддержки социальных инициатив»)

Общественный фонд «Фонд поддержки социальных инициатив», юридический адрес: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Буюк Ипак йули, д.1; ИНН: 206 810 937; зарегистрированное Министерством юстиции Республики Узбекистан № 642 от 27 октября 2006 года, объявляет о добровольной ликвидации.

Требования кредиторов и возражения кредиторов против добровольной ликвидации принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления. Требования кредиторов отправлять ликвидационной комиссии по адресу: **г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Буюк Ипак йули, д.1, тел. 239-27-74, факс: 239-27-71.**

В соответствии с решением Попечительского совета (Протокол № 1 от «19» февраля 2014 года Попечительского совета Общественного фонда «Mehr nuri»), а также решением Ташкентского городского суда по гражданским делам от 28 февраля 2014 года

Общественный фонд «Mehr nuri», юридический адрес: г. Ташкент, Мирабадский район ул. Д. Кунаева, д. 25; ИНН: 205 166 211; зарегистрированное Министерством юстиции Республики Узбекистан № 582 от 6 июля 2004 года, объявляет о добровольной ликвидации.

Требования кредиторов и возражения кредиторов против добровольной ликвидации принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления. Требования кредиторов отправлять ликвидационной комиссии по адресу: **г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Д. Кунаева, д. 25, тел. 239-27-74, факс: 239-27-71.**

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар ташкилотлари ходимлари тармоқ касаба уюшмаси Сергели туман кенгашининг бухгалтери Умида Нурматовага ўғли

Даврон НУРМАТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси бўлим муҳаррири Ирисмуҳаммад Абдукаримовга опаси

Робия АБДУКАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Газета ва ГАЗЕТХОН

Ishonch

2014-yil 6-mart № 30 (3379)

Истеъдод эгалари

Изланувчан, ташаббускор

Юртимизда истеъдодли ёшлар кўп. Энг аҳамиятлиси, улар иқтидорини ривожлантириш ва тўғри йўналтириш устоз-мураббийларга ғайрат-шижоат бахш этаётганлигидир.

1984 йил Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида туғилган Гўзал Амирова ҳам изланувчан, касб маҳоратини ошириш йўлида тиним билмайдиган ёшлардан. У ўқитувчи оиласида тарбиялангани боис, жуда эрта шу соҳага меҳр қўйди. Бу ҳавас Гўзални Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетига етаклади. 2002 йили университетнинг педагогика факультети педагогика-психология бўлимига ўқишга кирди. Талабалик даврида у тиришқоқлиги, намунали хулқи билан сабоқдошларига ўрнак бўлди. Психология фанидан республика олимпиадаларида қатнашиб, юқори ўринларни эгаллади. Факултет «Заковат» клубига сардорлик қилди.

2006 йили бакалавриатни имтиёзли диплом билан тамомлаган Гўзал «Психология» йўналиши бўйича магистратурага қабул қилиниб, «Талаба ёшларда миллий ўз-ўзини англашни шакллантиришнинг психологик хусусиятлари» мавзуида илмий-тадқиқот олиб борди. Шу билан бирга, Сиёб педагогика коллежида педагогика ва психология фанларидан дарс берди. 2008 йилдан эса Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти «Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси» кафедрасида фаолиятини бошлади. У қисқа муддатда факултет ва кафедрада ўз ўрнини топди, дарс жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиб, талабаларни ўзига жалб қила олди. 2012 йилдан бошлаб шу кафедра мудири лавозимида меҳнат қилиб келмоқда.

— Ҳозирда педагогика-психология ва касбий ахборот психология фанларини ўқитишда замонавий педагогик ва инновацион технологиялар ёрдамида дарс ўтиш муҳим ҳисобланади, — дейди у. — Шу боис дарс жараёнида талабалар фаоллигини ошириш, улардаги мустақил фикрлашни шакллантириш мақсадида ҳар бир мавзуга мос психологик ўйинлар, тренинглар ўтказаман. Бу эса талабаларда ўзига ишонч уйғотиб, педагогик маҳорат, психологик хусусиятларни билиш, келгусида фаолиятга мослашиш ва жамоада ҳурмат қозонишига ёрдам беради.

Айни пайтда Г.Амирова Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети «Психология» кафедраси илмий тадқиқотчиси. Илмий раҳбари профессор Н.Сафоев билан биргаликда «Ўқувчи ёшларда ҳаётий стратегиявий англашнинг психологик хусусиятлари» мавзуида илмий-тадқиқот олиб бормоқда.

Республика ва вилоят конференцияларида мунтазам иштирок этиб, илмий мақолалар чоп эттириб келаётган ёш тадқиқотчи икки нафар фарзандининг меҳрибон онаси, оқила умр йўлдош ҳамдир.

Назира БОЙМУРОДОВА.
Муаллиф олган сурат

Савобни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

Қашқадарё вилоятида 15 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ўз уйларида якка тартибда таълим олишига ҳар томонлама шароит яратилмоқда. Жумладан, вилоят халқ таълими бошқармаси, шаҳар, туманлар халқ таълими муассасалари томонидан уларга парта, стол-стул, доска ва зарур ўқув анжомлари етказиб берилди.

Ногиронлар иззатда

Ўтган йили ногирон болалар ўртасида ўтказилган «Мафтункор ранглар жилоси» кўриктанловида қаршилик (якка тартибда ўз уйида таҳсил олаётган) Лочинбек Файбуллаев фаол қатнашиб, совринли ўринни қўлга киритди ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Ногирон ёшларни ишга, ўқишга жойлаштириш масалалари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Масалан, нишонлик иккинчи гуруҳ ногирони Аъзам Омонқуловнинг пойабзал тузатиш устахонасини ишга тушириб, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишига имкон яратилди.

Воҳада касаначилик, ҳунармандчилик, тикувчилик, зардўзлик билан шуғулланаётган ногиронлар учун ҳар йили 400 та ишчи ўрни яратиляпти. Қарши шаҳридаги 18-кўзи ожизлар учун ихтисослаштирилган таълим муассасасида (ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари учун) фан кабинетлари, синфхоналар, махсус компютер хоналари, 75 ўринли 2 та замонавий ётоқхона, ювиниш хоналари, спорт зали, ошхона ва бошқа қулайликлар муҳайё этилган. Чироқчилик Илҳом Эргашев ногиронлар аравачаси ҳамда доимий равишда озиқ-овқатлар тўплами билан таъминланди. Туман ҳокимияти ва вилоят «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан унинг оиласига соғин сигир олиб берилди. Қарши шаҳридаги «Нахшаб» маҳалласида Озодбек ва Рустамжоннинг суннат тўйи ўтказилди. Бу борада Шўртангаз кимё мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Муборакнефтгаз, «Жанубгазтаъминот» унитар шўъба корхонаси, Талимаржон ИЭС, «Дунё-М» ОҲЖ, Лукойл-Ўзбекистон компанияси, талай ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳомийлик ёрдамларини кўрсатяпти.

Иззат ҲИКМАТОВ

Таассуф

Яқинда интернетдан фойдаланиш мақсадида интернет клубига мурожаат қилдим. Керакли маълумотларни қидириш асносида қўшни компютерда асабийлик билан ҳарф тераётган ўзим тенги йигитнинг ҳаракатлари эътиборимни тортди. Башанг кийинган, сочларини алламбало қилиб тараган йигит ғудраниб қўяр, ҳар-ҳар замонда столни муштлаб, яна ёзишга тушар, англашимча, қайсидир танишув сайтида ким биландир зўр бериб тортишарди. Рости, бу каби ҳолатга биринчи бор тушишим, монитор қаршисида дунёни унутиб ўтирган одамни энди кўришим эди. Гарчи газета, телевидениеда бот-бот айтиладиган интернетизм хасталиги ҳақида маълумотга эга бўлсам-да, гоҳида маънавиятчиларимиз ҳам керагидан ошириб юборишади-да, дея жилмайиб қўйган пайтларим бўлган. Йигитнинг хатти-ҳаракатлари 14 ёшлардаги ўжар, гап уқмас, бироз асабий ўсмирни эслатарди. Бу воқеадан сўнг ўзимда ҳам ўша ўқиган мақолаларга хайрихоҳлик ҳисси пайдо бўлди.

Интернетизм

ўзини билмаганга бу ҳам касаллик



Ҳақиқатан, бонг урилганча бор. Айрим ёшлар эси оғар даражада интернетга берилгани рост. Гоҳида «одноклассники» сайтида тонггача изғийдиган қизлар ҳақида эшитиб фиғоним фалак бўлади. Акаларимнинг тергаб туришларидан уялиб кетаман. Тўғри-да, бир нечта қизнинг хурмача қилиғи туфайли жамиятдаги қизлар ҳақида тасаввур уйғониши табиий. Зеро, миллатнинг маънавий қиёфаси ёшларга қараб белгиланади.

«Оломон маданияти», «ёввойи бозор» каби жамиятимизга ёт ҳолатлар одамларда истеъмолчилик кайфиятини авж олдириб юбориши ҳеч гап эмас. Айрим ёшларни қўя туринг, баъзи ўрта ёшлилар ҳам, айтиш жоиз бўлса, нафсга зўр беряпти. Меъёр ҳиссини сусайтираётган бу каби иллатларга қарши фақат ақл билан курашишимиз лозимлигини унутиб қўймаяпмизмикан? Кўр-кўрона эргашаётганимиз-чи? Аслида, интернет ва шу каби бошқа ахборот манбалари бизнинг фойдамизга ишлаши лозим-ку! Нима тарғиб қилинса, нимаики ёпирилиб келса, барчасини қабул қилавериш тўғрими ахир!

XX аср олимлари XXI аср авлодини ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак диди, ақлий шиддати билан оламшумул ишлар қилишга қодир бўлади, дея башорат қилган эди. Беихтиёр тенгдошларимга шуларни айтгим келади: нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғимиз даркор. Руҳ бедорлигига барчамиз масъулмиз. Шундай экан, бу масъулият ҳеч биримизни тарк этмасин. Зеро, биз ёшлар келажаги буюк давлатнинг ворисларимиз. Ана шу шарафга муносиб бўлайлик!

Ситора ШАМСИДДИНОВА,
Бухоро вилояти

2014 йил — Соғлом бола йили

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси фаолияти кенг қўламли бўлиб, ишларни амалга оширишда қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, бўлимимиз вилоят «Баркамол авлод» болалар маркази, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Гулистон шаҳар бўлинмаси бошқаруви билан биргаликда турли тадбирларни амалга ошириб келаяпти.

Меҳр қолур...

Жорий йилда ўсиб келаётган ёш авлоднинг турли хил жиноий тўдалар ва турли экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш учун тадбирлар ўтказиш режалаштирилган бўлиб, бу ўта масъулият билан ёндашувни талаб қилади.

Хусусан, ёшларнинг иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариш учун имкон яратиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказиладиган «Биз гиёҳвандликка қаршимиз», «Энг яхши саломатлик бурчаги», «Ёш ҳунарманд», «Ўзингдан айланай, ўлкам», «Йилнинг энг яхши иқтидорли, ижодкор ёш ихтирочиси», «Мафтункор ранглар олами», «Зарб — 2014» каби кўрик-танловлар шулар жумласидан. Бундан ташқари, ёз фаслида «Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор!» ҳафталиги доирасида кўнгилочар маданий тадбирлар ташкил этилади. Шунингдек, «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз» ойлиги доирасида «Оила, никоҳ ва ёшлар...» мавзуида маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар уюштирилади.

Юлдуз УСМОНОВА,
«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Сирдарё вилоят бўлими раҳбари

Миннатдорлик

Конимех тумани поёни йўқ кенгликлари билан танилган. Қорақалпоқ тилига ихтисослаштирилган 39-мактаб ҳам марказдан анча олис «Шўркўл» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Шунинг учун таъминотда баъзи қийинчиликлар учраб туради.

Муаммо ечими

Муаммоларга ечим излаб, қадрдон газетамизга мурожаат қилдим. Таҳририят томонидан ушбу хатга жиддий муносабатда бўлинганидан бошим осмонга етди. Ҳудудий вакил аралашуви билан муаммога айланиб келаётган талай камчиликлар ҳозирда бартараф қилинаётир.

Шахсан туман ҳокими ташаббускорлигида муассаса учун алоҳида трансформатор ўрнатилиб, ёритиш тизимидаги узилишларга чек қўйилди. Мактаб газ билан иситишга мўлжалланган. Қиш мавсумида узилишларга йўл қўйилган эди. Соғлом бола йилида мазкур иситиш тизими қозонларини кўмирга мўлжаллаш учун лойиҳа-сметалар тайёрланди. Келтириб берилган 27 тонна миқдордаги кўмир ёқилғиси барча синфларнинг қишда иситилишига сарфланадиган бўлди.

Бунинг учун қадрдон газетамиз бўлмиш «Ishonch»га жамоамиз номидан миннатдорчилик билдираман.

Раҳмонберди КЕЛДИЁРОВ

Юрт таянчлари

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 218-умум таълим мактабида 1280 нафар ўқувчига 67 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Спорт зали, ахборот-ресурс маркази, фан ва спорт йўналишидаги тўгараклар ёшлар билан доимо гавжум.

Суратда: мусиқа фани ўқитувчиси Шуҳрат Нормуродов дарс жараёнида.

Аҳмад ТЎРА олган сурат

Касаба уюшма спорти

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хива туман кенгаши томонидан Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан XI аёллар спартакидаси ўтказилди. Хива туман ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган мусобақада таълим-тарбия соҳасида ишлаётган 30 ёшдан катта 250 нафарга яқин аёл спортнинг 5 та тури бўйича 3 босқичда беллашди.

Мураббийлар ибрати

Биринчи босқич бошланғич ташкилотларда уюштирилиб, ғолиблар ҳудудий босқичларда қатнашди.

Спартакиаданинг туман босқичида 28 та жамоа иштирок этди. Спартакиаданинг очилиш маросимида 20-Меҳрибонлик уйи, 97-ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернати тарбияланувчилари ҳамда Янгиобод спорт мактаби ўқувчилари ажойиб концерт дастури, дилбар рақслари ҳамда қизиқарли чиқишлари билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Стол тенниси баҳсларида ғолиблик Педагогика касб-ҳунар коллежи вакиласи Г.Полязова, шашкада 46-умумтаълим мактаби ўқитувчиси О.Жуманиязова, турган жойда узунликка сакрашда И.Маткаримова (97-мактаб интернат), стритболда Педагогика касб-ҳунар коллежи жамоаси, арқон тортишда 53-умутаълим мактаби жамоасига насиб қилди.

Умумжамоа ҳисобида Педагогика касб-ҳунар коллежи, 97-ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳамда 46-умумтаълим мактаби вакиллари кучли учликни ташкил этди.

Мусобақа якунида қатнашчиларга байрамона дастурхон ёзилди. Иштирокчи хотин-қизлар туман кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилдора РАЗЗОҚОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хива туман кенгаши раиси

Ориздаш одамлар

Ғаллаорол туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тез ёрдам бўлими мудири Эсон Норматов мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди. Бу хушхабар уни таниган, меҳнатининг самарасини кўрган кишиларни беҳад хурсанд қилди.

Шифокорнинг бахти

... 1969 йил. Тошкент тиббиёт институтини тугаллаб, туман шифохонасига ишга келган ёш мутахассис юксак мақсадлар билан фаолият бошлади. У фаолияти давомида беморлар дардига шифо бўлишдан ортиқроқ бахт йўқлигини ҳис қилди. Эсида, туман марказидан узоқда жойлашган қишлоққа бориб, дард билан олишиб ётган беморга сидқидилдан ёрдам бергани... Тонготаргача бор маҳоратини ишга солиб, уни дарддан халос қилгани, қувончдан боши осмонга етган уй соҳибининг халоскорга миннатдорлик ила боққани, пул тутгани...

— Мен учун энг катта бахт операциянинг муваффақиятли ўтгани. Она ва бола сақлаб қолинди. Бу пулларингизни беморга дори-дармон, витаминли таомлар олиб беришга сарфланг, — деган эди у.

Ўшанда уй эгаси ўзини тутолмай йиғлаб юборганди:

— Илоҳим, умрингиз узоқ бўлсин. Ҳеч камлик кўрманг!

Эсон Норматов раҳбарлик қилаётган бўлимда 20 нафар шифокор ишлайди. Бу ерда беморлар дардига даво бўлиш учун ҳамма шароит бор! Замонавий тиббий жиҳозлар даволашни енгиллаштиради.

68 баҳорни қаршилаган Эсон ака 44 йиллик фаолиятида ҳамиша ўз касбига содиқ қолди. Беморлар ҳурматини қозонди. «Соғлиқни сақлаш аълочиси» деган фахрли унвонга сазовор бўлди. «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди. Эндиликда «Эл-юрт ҳурмати» ордени ҳам унинг кўксини безамоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 22.30
Topshirildi - 22.40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 318 | 22448 nusxada bosildi | 1 3 4 5